

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖАЗОНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Қаюмов Зоир

ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

КИРИШ

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида одил судловнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Конституциянинг 27-моддасида ҳар бир шахс ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлангани одил судловнинг демократик ҳуқуқий давлат пойдевори сифатида эътироф этилганидан далолатдир.

Мазкур конституциявий кафолатни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2023-2024 йилларда ЖПК, ФПК, ИПК ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартишлар киритилиб, суд қарорларини қайта кўриш институти тубдан такомиллаштирилди. Шунингдек, Олий суд Пленумининг қатор қарорлари қабул қилиниб, апелляция ва кассация жараёнида қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланиши таъминланди.

Суд қарорларини апелляция ва кассация тартибида кўришга оид қабул қилинган Пленум қарорлари Ўзбекистонда одил судлов тизимини янада демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш йўлида муҳим қадам ҳисобланади. Бу ислохотлар натижасида суд-ҳуқуқ соҳаси нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро стандартларга ҳам уйғун равишда ривожланмоқда.

Апелляция ва кассация институтларининг ҳуқуқий асослари

1. Жинойт ишлари бўйича — 2023 йил 27 сентябрдаги қонун билан суд қарорларини қайта кўриш тартибидаги процессуал нормалар янгича таҳрирда белгиланди. Пленумнинг “Жинойт ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарорида шикоят бериш ҳуқуқи, шикоят келтириш муддатлари ва асослари аниқ баён этилди.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича — 2023 йил 25 декабрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришлар асосида фуқаролар апелляция ва кассация шикояти келтириш ҳуқуқига эга бўлди. Пленум қарорида биринчи инстанция суди қарорларини қайта кўришда фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланишига алоҳида урғу берилган.

3. Фуқаролик ишлари бўйича — 2023 йил 25 декабрда ФПКга киритилган ўзгаришлар асосида апелляция ва кассация тартибида шикоят қилишнинг янги механизмлари жорий этилди. Пленум қарорида шикоят беришга ҳақли бўлган шахслар доираси кенгайтирилди.

4. Иқтисодий ишлар бўйича — 2023 йилда ИПКга киритилган қонунчилик ўзгаришлари асосида Пленум қарори қабул қилиниб, иқтисодий ишлар бўйича суд қарорларини қайта кўриш амалиётида ягона қоидалар ишлаб чиқилди. Бу тадбир тадбиркорлик субъектлари манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

5. Маъмурий ишлар бўйича — Пленум қарорида шикоят келтириш мумкин ва мумкин бўлмаган суд ажримлари аниқ тасниф қилинди. Шу билан бирга, қонунчиликда белгиланмаган ҳолатлар юзага келганда шикоят қилиш имконияти сақланишига оид муҳим тушунтиришлар берилди.

Пленум қарорларининг аҳамияти

- Ҳуқуқий аниқлик ва бир хил қўллаш: қонун нормаларини талқин қилишда ягона стандартлар жорий этилди;

- Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси: ҳар бир шахснинг суд қарорларини юқори инстанцияда қайта кўриш ҳуқуқи кафолатланди;

- Суд тизими самарадорлиги: ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди, суд ишларини тезкор ва сифатли кўриш имконияти кенгайди;

- Инсон қадри устуворлиги: Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш принципи амалда таъминланди.

Демак, яна бир бор Пленум қарорларининг аҳамияти шундаки, биринчидан, Ҳуқуқий аниқлик ва бир хил қўллаш: қонун нормаларини талқин қилишда ягона стандартлар жорий этилди. Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси: ҳар бир шахснинг суд қарорларини юқори инстанцияда қайта кўриш ҳуқуқи кафолатланди;. Суд тизими самарадорлиги: ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди, суд ишларини тезкор ва сифатли кўриш имконияти кенгайди;. Инсон қадри устуворлиги: Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш принципи амалда таъминланди.

Хулоса

Суд қарорларини апелляция ва кассация тартибида кўришга оид қабул қилинган Пленум қарорлари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бу қарорлар, аввало, фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлари — суд ҳукмини юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур ислохотлар одил судловнинг самарадорлигини ошириш, суд жараёнларининг шаффофлиги ва одилona қарорлар қабул қилиниши учун қонуний механизмларни мустаҳкамлади. Илгаридан амалиётда учраб келган процессуал зиддиятлар, ортиқча бюрократик тўсиқлар ва суд қарорларини турлича талқин қилиш ҳолатларининг бартараф этилиши суд тизимида ягона ҳуқуқий стандартларни қарор топтиришга замин яратди.

Пленум қарорлари инсон қадрини улуғлаш ва шахснинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, уларда одил

судловнинг замонавий талабларига жавоб берадиган муҳим қоидалар белгиланди. Масалан, шикоят қилиш имкониятлари кенгайтирилиши, шикоят келтириш муддатлари ва тартибининг аниқ белгилаб қўйилиши, апелляция ва кассация инстанцияларида иш юритиш қоидалари бўйича изчил тушунтиришлар берилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий аниқлик яратди.

Шунингдек, ушбу қарорлар фақат миллий ҳуқуқий тизим доирасида эмас, балки халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий эътироф этилган принципларга уйғун равишда ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Европа инсон ҳуқуқлари суди амалиётида мустақамланган “судга мурожаат қилишнинг самарали воситаси” принципи, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормалари билан уйғунликни таъминлайди.

Демак, Пленум қарорлари нафақат қонун нормаларини бир хилда қўллашга хизмат қилади, балки одил судловнинг халқ ишончи ва халқаро майдондаги нуфузини ҳам оширади. Бу эса суд-ҳуқуқ ислохотларининг пировард мақсади — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатли жамият барпо этиш вазифасига хизмат қилади.